

# ТУМАН ҲОКИМИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ



Аҳолимизга ҳафтанинг ҳар жума куни туман ҳокими қабули ўтказилиб, мурожаат қилинган барча муаммоларга ечим топиб келинмоқда.

Бугун ҳам 15-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мажлислар залида 40 дан ошиқ фуқаролар ўзларининг маиший, йўл ўтказиш ва моддий кўмак муаммолари бўйича мурожаат қилишди.

Аксарият мурожаатлар ўз жойида ечим топиб, мурожаат эгаларининг қувончига сабаб бўлди.

Эслатма ўрнида: Туман аҳолиси телеграм ва туман сайти орқали ҳам мурожаат йўллашлари мумкин

Телеграмда МУРОЖААТ ЙЎЛЛАШ @Oltinsoy404bot орқали, oltinsoy.uz сайти орқали эса <https://oltinsoy.uz/murojaat/murojaat> орқали мурожаат қилиш мумкин!